

- Increasing the working income of the workers and improving the standard of living;
 - Employers gain new occupation and skills, and their work experience is enhanced;
 - to save on staff training.

Labor migration is largely unofficial. This is due to the seasonal, temporary and repetitive nature of this type of labor migration. One of the most common problems faced by migrant workers is the violation of rights of migrants, trafficking in persons, and discrimination.

Inadequate level of legal literacy among young people, the development of normative and legal documents on the basis of bilateral and multilateral agreements, the lack of a systematic framework for regulating labor migration, that is, the lack of a holistic legal system can be considered as the problems in this area.

In summary, the state plays a major role in regulating the participation of young people in the migration process. Migration has both positive and negative consequences. Positive effects are provided by employment, improved living standards, inflow of foreign currency into the country and economic stability. Negative consequences may be the effects of work on health, family isolation, and child rearing problems. Therefore, it is necessary to improve the role of young people in migration processes.

List of used literature:

1. *Sh.M.Mirziyoyev's appeal to the Supreme Assembly on the most important priority tasks for 2018 year 28 December 2019 year. Portal of the National Information Agency of Uzbekistan (www.aza.uz).*
 2. *Sh.M.Mirziyoyev's decree on the state program "the future of youth" of June 27, 2018*
 3. *Q.Abdurahmonov textbook "theory and practice of Labor Economics", T.: Publishing house "Fan", 2019 y. 251 b.*
 4. *www.lex.uz - National database of legislation of the Republic of Uzbekistan.*
 5. *www.ziyonet.uz - education portal.*

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИНИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Касимова Гулляр Ахматовна
Тошкент молия институти
“Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши”
кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди

Жаҳон амалиётида аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатини баҳолаш учун жорий харажатлар миқдоридан фойдаланилади. Жорий харажатларга озиқ-овқат маҳсулотлари, турар жой, коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, таълим, маданият, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа хизматлар учун харажатлар киради.

Аҳолининг турмуш даражаси одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, инсон тараққиёти – билими, саломатлиги, шахсий эҳтиёжларини қондириш имконияти ҳамда унинг яшаш шарт-шароитлари: уй-жойга эгалиги, атроф-муҳитнинг аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигидир. Аҳолининг турмуш даражаси инсоннинг жисмоний, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилишини ифодаловчи индикаторлар асосида аниқланади.

Ўзбекистонда “жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳдил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгиланди” [1]. Мамлакатда аҳолини турмуш даражасини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг асосий функцияларидан бири этиб белгиланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадли йўналишларидан бири – аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлашдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан тавсия этилган аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини яхшилашда мамлакатдаги ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг миқдори ва сифати, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ривожланганлик даражаси асосий омиллар бўлиб хизмат қиласи. Жамиятни иқтисодий ривожлантириш - иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни яхшилаш, аҳолининг турмуш шароити ва яшаш сифатини такомиллаштириш тушунчаларни қамраб оладиган кенг кўламли жараёндир. БМТнинг “Ривожлантириш дастури”да таъриф берилишича, “узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, таълим олиш, билимларни эгаллаш ва муносиб турмуш кечириш учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш имконияти инсонни ривожлантиришнинг асосий мазмун-моҳиятидир”[12].

XX асрнинг 70-йиларида М.Д. Моррис томонидан кашф этилган турмуш сифати индекси ёки фаровонлик турмуш сифати билвосита эмас, балки бевосита ўлчашга йўналтирилди. Мазкур индексни ҳисоблаб чиқиша ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган ижтимоий хизматлар йиғиндиси аҳоли сонига бўлинади. Иқтисодчи А.В. Ваҳобов фикрига кўра, “халқнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий шароитни яратишда ижтимоий соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш асосий омил бўлиб хизмат қиласи. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди. Халқ фаровонлиги ҳақида гап кетганда, фақат исътемол билан чекланмай, балки, аҳоли турмуш шароитини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳаёт кечиришнинг экологик ва ижтимоий хавфсизлиги,

аҳоли билим даражаси ва касбий маҳоратнинг ошиб бориши, саломатликни мустаҳкамланиши, ўлимнинг камайиши, умрнинг узайишини ҳам эътиборга олиш лозимки бу аҳоли турмуш сифати юқорилини билдиради”, [4] деб таъкидлайди.

Тадқиқотчи Н.Жиянова томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ижтимоий соҳани молиялаштириш масаласида ҳаёт даражаси ва ҳаёт сифати каби кўрсаткичларга эътибор қаратилади. “Ҳаёт даражаси моддий барқарорликни акс эттиrsa, ҳаёт сифати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг якуний натижаси деган хulosaga берилади. Ҳар қандай тизимнинг ривожланишини фазовий макондаги векторли майдон сифатида ифодаланиши мумкинки, унинг ҳар бир нуқтаси ривожланаётган тизимнинг ҳолатини характерлайди”[5]. Тадқиқотчи Н.Жиянова мамлакатда ижтимоий соҳани молиялаштиришга устуворлик бериш, давлат бюджетидан ижтимоий соҳа харажатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб таъкидлайди. “Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Японияда икки миллион фуқаро 90 ёшдан ошганлиги билан дунё аҳолисини ҳайратлантиради. Японияда аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва тиббий хизмат қўрсатишни янада такомиллаштириш орқали шу юқори даражага эришилди” [3].

Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражаси аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилади. В.Н.Солин, Е.П.Шпаковскаялар “аҳоли турмуш даражаси бу инсон ҳаёти фаолиятининг, энг аввало, барча ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қирралি категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг мухим тавсифи ҳисобланади”, деб хulosaga берадилар.

Тадқиқотчи Р.Ф.Джуманова [6] ўз тадқиқотларида ижтимоий соҳани молиялаштириш масаласида аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари ва аҳоли турмуш даражаси индикаторларига эътибор қаратади. Аҳоли турмуш даражасини белгилашда БМТ концепцияси, швед ва француз моделлари фарқланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти концепциясида сиҳат-саломатлик, озиқ-овқат истеъмоли, таълим, иш билан бандлик ва меҳнат шароитига, швед моделида мактаб таълими, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби ижтимоий имкониятларга, француз моделида аҳоли турмуш даражасининг ижтимоий жиҳатларига урғу берилади. Муаллиф [7] кишиларнинг таълим олганлик даражаси уларнинг ўз соғлиғига муносабати билан тўғри пропорционал эканлигини таъкидлайди. Р.Ф.Джуманова ўз тадқиқотларида Ўзбекистон 2030 йилга қадар ўрта даромадли давлатлар қаторига кириши учун ижтимоий соҳани молиялаштириш қўламини кенгайтиришнинг долзарблигини асослаб беради.

Г.Ибрагимова ўз тадқиқотларида аҳоли турмуш даражасини яхшилашда эҳтиёжларни таъминланишига эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, “иқтисодиётнинг бош масаласи инсон ва унинг

эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳолати, бир томондан, иқтисодиёт барқарорлиги кўрсаткичи сифатида ифодаланса, иккинчи томондан, давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишини ҳам белгилайди” [8]. “Турмуш сифати миллий андозаларида ижтимоий хизматларга ургу бериш, ижтимоий хизматлар билан таъминланганлик ва ижтимоий хизматларнинг қулайлигини фарқлашга мажбур қиласи. Таъминланганлик деганда ижтимоий хизматни олиш имконияти тушунилади, у ижтимоий инфратузилма обьектларининг ҳақиқатда мавжудлиги ва улар томонидан ижтимоий стандартларга мувофиқ кўрсатиладиган хизматларга боғлиқ” [9].

Хулоса қилиб айтганда, давлат ижтимоий сиёсатининг инсон капиталига йўналтирилганлигининг мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб эади. Инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий сиёsat орқали мамлакатда аҳолининг турмуш сифати ошади ва турмуш даражаси яхшиланади. Таълим энг ноёб капитал сифатида қадрланаётган бугунги шароитда таълимнинг барча босқичларида, таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва тизимни молиялаштириш усулларини такомиллаштириш механизмини жорий этиш орқали барча инсонлар учун уларнинг ҳаёти давомида сифатли таълим олиш имконияти яратилади. Тиббий хизматларга касалланиш рискини пасайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни соғломлаштиришга қаратилган хизматлар киради. Бир шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар (юқумли, ижтимоий касалликларга қарши курашиш) бошқаларнинг касалланиш хавфини пасайтиради. Бу хизматларнинг улкан ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, давлат мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатини баҳолашга икки хил ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Баҳолаш кўрсаткичлари тизими – бу ижтимоий индикаторлар ёрдамида амалга оширилади. Баҳолаш кўрсаткичларининг миллий тизими ўз хусусиятига эга, бу кўрсаткичлар БМТнинг методологик тавсияларида асосланади. Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг индекси алоҳида кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилади. Бундай ёндашув БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан турли мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини таққослаш учун кенг қўлланилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 60-сон фармони. 2022 йил. 28 январь.
2. Баев X. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқарии муаммолари. Монография. «Иқтисодиёт». –Тошкент. 2012. –Б.31.
3. Баев X., Абдуллаева М., Фозилжонов М. Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш инсон манбаатларини ҳимоя қилишининг муҳим омилидир. || Бизнес -Эксперт. 2017 йил. №12 –Б.68.

4. Ваҳобов А.В., Маннапова Ш.А. Мустақиллик ва ҳалқ фаровонлиги. || Молия. – Тошкент. 2011. -№ 2. –Б.11.
5. Жиянова Н. Особенности финансирования социальной сферы на современном этапе экономического развития. || Молия. -Тошкент. 2014. -№2. –С.10-14.
6. Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш ўйлари.// Иқтисод фанлари номзоди олии учун дисс. автореферати. –Т. 2008 –Б. 11 .
7. Джуманова Р.Ф. Тенденции и проблемы повышения уровня жизни населения в контексте обеспечения социальной безопасности в Узбекистане. // Иқтисодиёт ва таълим журнали. –Т. 2014.№ 6. –Б.10-12.
8. Ибрагимова Г. Инсон турмуш даражаси- иқтисодиёт қўзгуси. || Бизнес -Эксперт. 2019 йил. №4.
9. Incheon Declaration Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum. 2015. 19-22 may. Incheon. Republiic of Korea).
10. ПРООН. Доклад о человеческом развитии за 1990. www.undp.org. Интернет сайти маълумотлари.

ВЛИЯНИЕ МЕЖПОКОЛЕННЫХ ТРАНСФЕРТОВ НА КАЧЕСТВЕННОЕ РАЗВИТИЕ СЕМЬИ

Мамадалиева Хафиза Холдаровна

д. э.н., заместитель директора института
исследования рынка труда при Министерстве
 занятости и сокращении бедности Республики Узбекистан

В современных условиях вопросы внутрисемейного перераспределения ресурсов между поколениями имеют возрастающее значение. Рыночные принципы хозяйствования внесли много нового и в государственную, и в семейную экономику. На семью легло больше ответственности за качественное становление подрастающего поколения, обеспечение материальной составляющей его роста, здоровья, профессионального образования. В настоящее время молодые люди, взрослея, должны в большей мере, чем в прошлые десятилетия, быть самостоятельными и опираться на свои возможности и способности, в т.ч. в получении достойного профессионального образования, трудоустройства и карьерного роста.

Одновременно с этим актуализируются вопросы поддержки пожилых людей. Нередко, выходя из трудоспособного возраста, они оказываются в затруднительном материальном положении, т.к. пенсионное обеспечение населения все еще является недостаточным, с учетом платных медицинских услуг и ростом цен на все лечебные препараты.

В решении этих вопросов усиливается роль семьи. В Узбекистане межпоколенная материально-экономическая поддержка населения является неотъемлемой характеристикой жизнедеятельности семьи. Она осуществляется в различных исторически сложившихся формах. Прежде всего, межпоколенные трансферты направляются на содержание детей,